

Гузур

**Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш  
жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш тўғрисида  
ШАРТНОМА № 1**

“15” сентябрь 2022

Карши шаҳор

Қашқадарё вилояти маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси номидан директор Ж.Раҳманкулов бир тарафдан, Уролов Барока Сердор номидан раҳбар С. Турдиев иккинчи тарафдан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети:**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252 сонли қарорига илова “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида” Низом талабларига асосан субсидиялар ажратилади.

1.2. Ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оилалар аъзоси бўлган томорқа ер эгаси учун енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан Агентликнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси таркибидаги жамғарма ҳисобварақаларига ўтказиб берилган маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

1.3. Мазкур шартнома бўйича Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси тўловни амалга ошириш ва томорқа ер эгасига иссиқхонани ўрнатиб бериш, томорқа ер эгаси эса ўрнатиб берилган иссиқхонадан самарали фойдаланиш мажбуриятини зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳулот миқдори	1 дона маҳсулот баҳоси	Суммаси
1	Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун	Сотих	1	9000.000	9.000.000
	<b>ЖАМИ:</b>				

Шартноманинг умумий суммаси 9.000.000 (Тўққиз миллион сегиз ) сўмни ташкил этади

**II. Субсидия миқдори, тўлов шартлари, кўрсатиладиган хизматлар сифати ва бажарилиш муддатлари**

2.1. Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш бўйича Уролов Барока Сердор ИЭМ Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси билан тузилган шартнома тасдиқлангандан (имзолангандан) кейин 3 (уч) иш куни кун мобайнида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармаси иш бажарувчига шартноманинг умумий суммасининг 30% миқдори 2.700.000 сўм аванс (бўнак) маблағини ўтказиб беради. Шартнома умумий суммасининг қолган 70% қисmini 6.300.000 сўм енгил конструкцияли иссиқхонани томорқа ер эгасига ўрнатиб бериб, томорқа ер эгаси ишни тўлиқ қабул қилгандан сўнг, тузилган далолатномага асосан Қашқадар вилоят маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси томонидан тўлаб берилади.

**III. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:  
тақдим этилган шартномани ўз вақтида имзолаш ва шартномада назарда тутилган субсидияни ўз вақтида тўлаб бериш;

томорқа ер эгаларига шартномада назарда тutilган махсулотлар етказиб берилмаган тақдирда пул маблағларини қайтариб олиш бўйича Уралов Ворақа Сидрат ШУМ га талабнома бериш;

\_\_\_\_\_ ва томорқа ер эгасидан шартномага кўра кўрсати-ладиган хизматнинг бажарилганлиги бўйича маълумот олиш;

шартнома бўйича енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун субсидия маблағларини Уралов Ворақа Сидрат га тўлаб бериш.

### 3.2. Иш бажарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

томорқа ер эгасига шартномада кўрсатилган хизматларни ўз вақтида кўрсатиш;

амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига тақдим этиш;

шартномада кўрсатилган иш(хизмат)ларни бажармаган (кўрсатмаган) тақдирда ҳисобрақамига ўтказиб берилган маблағларни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига зудлик билан қайтариш;

шартнома шартлари бузилганлиги ҳақида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасини зудлик билан хабардор қилиш;

### 3.3. Томорқа ер эгасиинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

шартномага кўра ўрнатилган енгил конструкцияли иссиқхонадан самарали фойдалани;

\_\_\_\_\_ дан шартномага кўра иш (хизмат) ни ўз вақтида етказиб берилишини ҳамда ўрнатилган енгил конструкцияли иссиқхонани зарур сифат параметрлари таъминланган бўлишини талаб қилиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.

## IV . Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Агар Уралов Ворақа Сидрат томорқа ер эгасига 10 (ўн) кун муддатда енгил конструкцияли иссиқхонани томорқа ер эгасига ўрнатиб бермаган тақдирда ўтказиб берилган маблағни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига қайтариши шарт.

Мазкур шартнома ижроси давомида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, Уралов Ворақа Сидрат ШУМ ва томорқа ер эгасига зарар етказилса, қонунчиликда белгиланган тартибда бир тараф бошқа тарафга зарарни тўлаб беради.

4.2. Тарафлар мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажармаганликлари учун ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига пеня тўлайди.

4.3. Тарафлар шартнома талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## V .Форс-мажор

5.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгил бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

5.2. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгил бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса тарафлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

6.2. Тарафлар низоларни ҳал этишда ўзаро келишувга эришилмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## VII. Қўшимча шартлар

- 7.1. Ушбу Шартнома 3 та (учта) нусхада тузилиб, улар бир хил юридик кучга эга.  
7.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча тарафларнинг келишувига кўра ёзма равишда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда киритилиши мумкин.  
7.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 гача  
7.4. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди

### VIII. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари

#### БУЮРТМАЧИ:

**MAHALLABAY ISHLASH VA TADBIRKORLIKNI  
RIVOJLANTIRISH AGENTLIGINING  
QASHQADARYO VILOYATI BOSHQARMASI**

Манзил: Qarshi shahar, Mustaqillik-1uy

X/P: 305421860 104 077 041 907 140014

МФО: 00014

СТИР: 207338518

Тел: \_\_\_\_\_

Бошқарма директори \_\_\_\_\_



#### ИШ БАЖАРУВЧИ:

**Уралов Барака Сифат МЧЖ**

Манзил: Qarshi shahar Nasaf kucha .6/8

X/P: 20208000905507951001

ATB INFIN BANK

МФО: 01135

СТИР: 309338544

Тел: \_\_\_\_\_

Рахбар: Turdiyev S \_\_\_\_\_



Mahallabay ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish viloyat hududiy boshqarmasi bilan “УРАЛОВ БАРАКА СИФАТ” МЧЖ o‘rtasida **Mahsulot (issiqxona)** yengil konstruksiyali issiqxona o‘rnatib berish shartnomasi bo‘yicha 2022-yil 13-sentabr №08-sonli tuzilayotgan shartnoma, umumiy qiymati **225 000 000 so‘m (QQS bilan)** qilib belgilangan shartnoma loyihasi yuzasidan,

### YURIDIK XULOSASI

Men, ushbu shartnoma loyihasini amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksini, “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertiza qilib, ushbu xo‘jalik yurituvchi subyekt davlat ro‘yxatidan o‘tganligini va mazkur shartnomani imzolash huquqiga ega ekanligini va shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlariga mos kelishililigini aniqladim.

Shu munosabat bilan ushbu shartnomani imzolasa bo‘ladi deb hisoblayman.



**B.Xakimov**

“13” sentabr 2022-yil

«ТАСДИКЛАЙМАН»



Маҳаллабай ишлаш ва  
тадбиркорликни ривожлантириш  
агентлиги Қашқадарё вилоят  
худудидий бошқармаси бошлиғи  
Ж.Раҳманқулов

14.09. 2022 йил

№ 01

Қарши шахри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.05.2022 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ-252-сонли қарорига асосан аҳоли томорқаларига Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш бериш танлов асосида шартнома тузиб сотиб олишни ташкил қилиш комиссиясининг

**ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:**

Комиссия раиси КУК раиси:

С.Ашуров

АЪЗОЛАРИ:

А.Суннатов

Бўлим бошлиғи

М.Ходжаев

Бўлим бошлиғи

Б.Умиров

Бўлим бошлиғи

Ф.Сағдуллаев

Хўжалик мудир

**Кун тартибида куриладиган масала:**

Вилоятда субсидия асосида Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш бериш учун Ғузор, Чироқчи, Касби, Қамаш, Яккабоғ, Китоб, Косон туманлари ва Шахрисабз шаҳар фуқаролари томонидан келиб тушган аризаларни инobatга олган холда таъминотчи фирма билан шартнома килиш ва шартномани тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш беришни таъминлаш бўйича Ғузор, Чироқчи, Касби, Яккабоғ, Китоб, Косон туманлари ва Шахрисабз шаҳарга 2 та, Қамаш туманига 3 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар куйидагича:

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 25 август кундаги лот № 2758, 2754, 2752, 2750, 2289, 1958, 1809-сонли протокол эълон куйилгандан

кейин 2 та ташкилот, 2291- сонли протокол эълон куйилгандан кейин 3 та ташкилот узини таклифлари билан катнашди ва энг юкори балл «URALOV BARAKA SIFAT» МЧЖ олди ва 2 кун мухокамада куйилди хамда бошка эътирозлар булмагандан кейин "URALOV BARAKA SIFAT" МЧЖ билан шартнома тузилди.


### ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «URALOV BARAKA SIFAT» МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2.« URALOV BARAKA SIFAT» МЧЖ корхонаси томонидан тавсия этилган энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш бериш учун шартнома тузиб олиб келишини хужалик мудирини Ф.Сагдуллаевга топширилсин.

3.Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш Аҳоли ва тадбиркорларга молиявий кўмак беришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Б.Умировга юклатилсин.

Комиссия раиси:




С.Ашуров

АЪЗОЛАРИ:



А.Суннатов



М.Ходжаев

Б.Умиров

Ф.Сагдуллаев